

Денгиз сафари



14:00 / 15.03.2023 5937

Бир куни эр-хотин денгиз сафарига чиқишди. Кема денгизда бир неча кундан бери сузиб борарди. Бир пайт денгизда кучли довул бошланди. Кемани ағдариб, чўктириб юборай дерди. Шамол кема оқимига қарши эсарди. Денгиздаги мавжлар жуда кучли тарзда тўлқинланиб борарди. Натижада, кема сув билан тўлди, йўловчилар орасида шовқин-сурон ва қўрқув тарқалди. Кема капитани ҳам бу шовқинлардан четда қолмади. Деярли барча йўловчилар аниқ хатар ёқасида турганларини, Аллоҳнинг мўъжизасигина уларни бу хатардан қутқариб қола олишига ишондилар. Аёл ўзининг асабларига эгалик қилолмай қолди. Бор овози билан қичқирар, нима қилишни билмас эди. Эрининг олдида шошиб борди. Шояд, эрим бу фалокатдан қутулиш йўлини топса деб ўйлар эди. Барча йўловчилар қаттиқ хаяжонда ва қўрқувда турар эдилар. Эр одатига кўра, хотиржам ўтирар эди. Уни кўрган аёлининг баттар ғазаби тошиб, эрини совуққонлик

ва бепарволикда айблади. Шу пайт эр аёлига қоши чимирилган, кўзида ғазаб ўти кўриниб турган ҳолда назар солди. Ёнидан ханжарини олди ва аёлининг кўксига қўйди-да, жиддий оҳангда дўқ пўписа қилиб: «Ханжардан қўрқмайсанми?», деб сўради.

Аёли унга қараб турди-да, «йўқ», деди.

Эри: «Нега», деб сўради.

Аёли: «Чунки, ханжар ўзим ишонадиган ва яхши кўрадиган кишимнинг кўлида турибди», деди.

Эри табассум қилди ва: «Мен ҳам худди шундай фикрдаман. Бу тўлқинли мавжлар, ўзим қаттиқ ишонадиган ва яхши кўрадиган Зотнинг кўлидадир. Агар бу ишларнинг ҳаммасини Роббим идора қилаётган экан, нега кўрқишимиз керак?!», деди.

Хулоса

Агар сизни ҳаёт тўлқинлари қийнаса, шамоллар сизга қараб эсса, ҳамма нарса сизга қарши бўлса ҳам сиз қўрқманг. Чунки Аллоҳ сизни яхши кўради. У Зот барча шамолни тўхтатиб қўйишга, мавжларни тиндириб қўйишга қодирдир.

Агар сиз Уни яхши кўрсангиз унга бутунлай ишонинг, ишларингизни унга топширинг. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

وَرَمَّا غَابَ الْعَلَلُ انْهُبْ سَحَوْهَ فِ الْعَلَلِ اِلَىٰ عِلْكَ وَتَي نَمَوْ بِسَتْ حَي اِلْ تُثِيْحْ نَمُ هُ قُزْرِي وَ
اَرْدَقِ عَيْ شِ لْ لْ هُ لْ لْ لْ عَجْ دَق

«Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, унга У Зотнинг Ўзи кифоядир. Албатта, Аллоҳ Ўз ишини етказувчидир. Батаҳқиқ, Аллоҳ ҳар бир нарсага ўлчов қилиб қўйгандир» (Талоқ сураси, 3-оят).

Эҳтимол, уйланишингиз ортга сурилаётгандир ёки ишга киришингиз кечикаётган ёхуд фарзанд кўришингиз қийин бўлаётгандир, лекин шуни билингки, буларнинг ҳар бирида бир ҳикмат бор. Шунинг учун Аллоҳ таолонинг амридан, изнидан, иродасидан ташқарида ҳеч бир иш бўлмаслигини ҳис қилиб, Аллоҳга ва Унинг қазои қадарига таслим бўлиб, ибодатда давом этишимиз лозим бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизни мағфират этсин, Ўзининг ҳидоятидан айирмасин
ва хотимамизни чиройли қилсин!

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади